

ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ СУГУРТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маврулова Нилуфар Абдухалиловна

и.ф.д., доц. ТДИУ

e-mail: mavrulovaniufar7@gmail.com

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 10

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss10/a16

ABSTRACT

Мазкур маколада Ўзбекистонда умумий сугурта соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, дастлаб мамлакатда сугурта тизимишининг, хусусан, умумий сугурта соҳасининг баркарор ва самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар аниқлаштирилган ва таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур йўналишларнинг жорий этилиши оркали умумий сугурта соҳасида эришилиши кутилган натижалар баён килинган.

KEYWORDS

сугурта бозори, умумий сугурта соҳаси, сугурта мукофотлари, сугурта тўловлари, инфляция, инвестиция, ЯИМ, моддий фаровонлик.

Кириш (Введение /Introduction)

Замонавий иктиносидий ривожланиш шароитида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг сугурта химояси ҳар кандай цивилизациялашган давлатнинг ажralmas хусусияти хисобланади. Жамият ривожланишининг барча боскичларида инсон хаёти ва фаолиятига турли хавфлар таҳдид солиб келган. Баҳтсиз ҳодисалар, кутилмаган вазиятлар, табиат инжиклклари, турли табиий оғатлар, шунингдек, даромадларнинг камайиши, мулкларнинг нобуд бўлишини олдиндан таҳмин килиш ва олдини олиш имкониятлари чекланган. Бироқ бу хавфларни бошқариш, назорат қилиш ва инсониятга, унинг молиявий ҳолатига салбий таъсирини камайтиришнинг турли усуслари ва воситалари мавжуд бўлиб, улар орасида сугурта тизими энг мақбул механизм сифатида эътироф этилади. Сугурта молия тизимишининг мухим бўғини бўлиб, уни жадал ривожлантириш, аҳолини кафолатланган сугурта хизматлари билан камраб олиш, мижозларнинг қонуний манфаатларини химоя килиш, шунингдек, сугурта компанияларининг самарали фаолият юритишига кулај шарт-шароит яратишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳукумат томонидан олиб бораилаётган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда сугурта бозорида мунтазам ўсиш динамикаси кузатилмоқда.

Сугуртанинг катта соҳаси бўлган умумий сугурта соҳасида ҳам ўтган йилларда содир бўлган чекловлар туфайли бироз пасайиши юз берган бўлса-да, соҳа тезда ўзини ўнглаб, яна ўсиш суръатларини бажарди. Умумий сугурта соҳасида ўсиш тенденцияси бажарилган бўлса-да, миллий сугурта бозорида муаммолар, камчиликлар, хатоликлар, соҳа тараққиетига тўсқинлик қилувчи омиллар талайгина. Тадқиқотни амалга оширишдан мақсад айнан шу жиҳатларга тўхталиб, умумий сугурта соҳасини ривожлантириши юзасидан устувор йўналишларни белгилашдан иборат.

Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы / Literature review). Умумий сугурта соҳасини ривожлантириш йўналишлари катор хорижлик иктиносидчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ килинган. Шунингдек, сугурта соҳасини самарали юритишининг назарий-методологик асослари МДҲ мамлакатлари олимлари: А.Алексеев, Е.Алексеева, В.Анциферов, Ю.Ахвледиани, Н.Внукова, А.Гвозденко, И.Денисова, А.Мустафина, Г.Насырова, Н.Ткаченко,

А.Хоторянский, Г.Чернова, В.Шаховларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Сугурта фаолиятининг методологик асослари, соҳани самарали юритиш механизмлари ва ривожлантириш йўналишлари мамлакатимиз олимлари: Ш.Абдуллаева, Н.Абдуллаева, И.Абдурахмонов, Г.Адилова, Д.Баратова, Н.Жумаев, И.Кенжаваев, Н.Маврулова, Қ.Номозова, Г.Носирова, С.Умаров, Н.Хайдаров, Г.Халикулова, М.Хамроев, Ф.Хасанов, Х.Шеннаев, О.Юлдашев, Қ.Қўлдошев, Б.Ҳакбердиевларнинг илмий ишларида ўз аксими топган.

Тадқиқот мавзуси бўйича амалга оширилган изланишлар таҳлили шуни кўрсатдики, сугуртанинг мухим йўналиши хисобланган умумий сугуртани ривожлантириш концепцияси тизими равишда тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат диссертация иши доирасида тадқиқ килинган муаммолар ва уларни бартараф этишига қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот усуслари (Методы исследования /Methodology). Тадқиқотни бажариш жараённада тизимли таҳлил ва ёндашув, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гурӯхлаштириш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш ва прогнозлаштириш, эконометрик моделлаштириш, ўзаро ва киёсий таққослаш усусларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты /Analysis and results).

Маколада дастлаб умумий сугурта соҳасининг баркарор фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи омиллар аниқлаштирилади ва таҳлил этилади:

1. Мамлакат аҳолисининг сугурта хизматларидан фойдаланиш даражаси минтакалар кесимида таҳжил килинганда, Тошкент шаҳри аҳолисининг соҳа хизматларидан фойдаланиш даражаси юкорилигиги, яъни ялпи сугурта тушумларининг 61 фоизи айнан пойттаҳт минтақасига тўғри келиши маълум бўлди, ваҳоланки жами аҳолининг атиги 7,8 фоизи пойттаҳтга тўғри келади[1]. Бунга таъсир қилувчи омиллар қўйнагилар: аҳолида сугурта маданиятининг етарлича шаклланмаганлиги; сугурта хизматларининг аҳамияти ва хусусиятидан бехабарлик; соҳа ташкилотларининг фаолиятига

ишиончизлил билан муносабатда бўлиш; сугуртага сарфланадиган маблагларни беҳуда сарф-харажат, деб билиш; нархларни юкори, деб хисоблаш; сугурта хизматларининг фойдали жиҳатлари тўғрисидаги тушунчаларнинг йўклиги; сугурта компанияларининг, айниқса, минтакалардаги филиалларнинг чакана ва арzon сугурта турлари билан шугулланишини истамаслиги каби ҳолатлар.

2. Сугурта компанияларида фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган маркетинг стратегияларининг ишлаб чиқилмаганлиги, суст ишлаши, тўлаконли амал қилинмаслиги, тадбиркорлик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларини тадқик килишга қаратилган ёндашувларнинг йўклиги сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулкий ва молиявий рискларини сугурталаш (тижорат банклари бундан мустасно) тизими деярли ишламайди, ваҳоланки, бу йўналиш истиқболли бўлиб, мамлакатда иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

3. Сугурта маҳсулотларига нархни шакллантириш тизимида ҳамон демпинг сиёсатининг юритилиши ташкилотнинг молиявий ҳолатига, тўлов кобилияти меъёрларига, сугурта даъволарининг ижобий ҳал этилишига жиддий тўсик бўлмоқда, бу ҳолат носоглом рақобат ва ишиончизлик муҳитини яратмоқда. Айrim сугурта турлари, хусусан, уй-жой ва автомобил сугуртасида бу ҳолатнинг юкори даражада кўлланилиши сугурта даъволарининг ижобий кондирилмаслигига олиб келмоқда. Шу омилнинг ўзиёк жамиятда соҳага бўлган салбиг хуносани юзага келтирмоқда.

4. Юкорида таъкидлаганимиздек, сугурталовчиларнинг биринчи галдаги мақсади сифатли ва кафолатланган хизмат кўрсатиш эмас, балки юкори тушумни таъминлашлигча колмоқда. Сугурта полисларини сотишида, тушумни амалга оширишда тезкорлик билан ишлган тизимда сугурта мажбуриятларининг бажарилиши узоқ вактга чўзилмоқда, рўй берган сугурта ходисаларининг сабабини аниқлаш ва зарарни баҳолаш, сугурта копламаларини тўлаш жараёнлари бюрократлашиб, даъволарни бошқариши тизими такомиллаштиришга муҳтож ҳолатга келган, бу эса мижозларнинг компания фаолиятидан кескин норозилигини келтириб чиқармоқда.

5. Соҳани капиталлаштиришни жадаллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга қарамай мамлакат сугурта бозорининг капитал салоҳияти пастилигича колмоқда, бу эса жаҳон сугурта бозорларига интеграциялашишга тўскинилк қиласи, кирувчи қайта сугурта имкониятларини чеклайди, чиқувчи қайта сугуртанинг ошишига олиб келди, натижада сугурталовчиларнинг даромадига ва рентабеллик даражасига таъсир ўтказмоқда. Жадвалга кўра, шарҳлаб ўтилган муаммо ва камчиликлар умумий сугурта бозорининг асосий кўрсаткичларига таъсир этмай қолмаган.

1-жадвал

Ўзбекистонда умумий сугуртага онд асосий кўрсаткичлар таҳлили[2]

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Умумий сугурта мукофотлари, млрд.сўм	518,1	633,4	788,9	1217,9	1727,5	1879,3	3015,0	4707,0
Умумий сугурта тўловлари, млрд.сўм	89,2	95,9	191,7	196,9	284,2	419,6	618,7	1098,7
Умумий сугурта бўйича тўлов коэффициенти, %	17,2	15,1	24,2	16,1	16,4	22,3	20,5	23,3
Умумий сугурта компанияларини сони	28	27	23	24	28	32	34	33
Умумий сугурта мукофотларининг ЯИМдаги удущи, %	0,239	0,228	0,248	0,283	0,324	0,310	0,408	0,529
Умумий сугурта мукофотларининг жами сугурта мукофотларига нисбати, %	94	91,4	85	74,5	75	85	81	76
Умумий сугурта мукофотларининг ахоли жон бошига нисбати, сўмда	16785	18170	24160	36400	51100	54400	85500	130660

Жадвалда Сугурта бозорини ривожлантириш ҳамда Статистика агентлигининг расмий манбаларидан олинган маълумотлар асосида умумий сугурта соҳасининг сўнгги саккиз йиллик ҳолати реал акс этган. Жадвалга кўра, умумий сугурта соҳаси йилдан-йилга жадал ривожланмаган бўлса-да, мунтазам ўсиш тенденциясини бажарган. Сугурта компаниялари сонининг ортиши ривожланиш белгисини ифодаламайди, балки мамлакат ЯИМда умумий сугурта мукофотлари ҳажмининг ортиб бораётганлиги бизга бу кўрсаткич хакида реал баҳони бера олади. Жадвалга кўра, бу борада секин суръатларда бўлса ҳам ўсиш кузатилган. Олдимиизда турган муҳим вазифа эса шу тенденцияни жадаллаштирган ҳолда иқтисодий барқарорликка эришиш ва доимий ўсишни таъминлашга хизмат килиш хисобланади.

Юкоридаги ҳолат сугурта бозоридаги муаммо ва камчиликларни тизимили чора-тадбирлар ёрдамида ҳал этишни талаб қиласи. Бугунги кунда бу тадбирларнинг Президент қарорларида акс этган тегиши Йўл ҳариталарида белгиланган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилиши талаб этилади, қўйда соҳани ривожлантириш юзасидан тавсиялар бериб ўтилади:

1. Сугурта операцияларининг самарали амалга оширилиши ахолининг соҳадан хабардорлигини оширишдан бошланади. Бу борада тегиши тақлифлар ишлаб чиқилиб, жойларда бу бўйича кампаниялар ташкил этилди. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлилар, дебатлар, вилоят худудларида сайёр дарслар ташкил этилди, видео роликлар воситасида реклама-тарғибот ишлари олиб борилди, ахолининг мурожаатлари жойларда ўрганилиб, ҳал этилмаган сугурта даъволарининг ижобий ва тез фурсатларда ҳал бўлишига эришилди. Бундай кампанияларни ахоли энг кўп жам бўладиган жойларда, шу билан бирга масофадан туриб амалга оширишни янада кучайтириш лозим, тарғибот орқали инсон онгига таъсир ўтказиш натижадор бўлади.

2. Потенциал сугурталанувчиларга хар томонлама кулайлик яратиш, сугурталовчиларнинг иш юритиш харажатларини минималлаштириш максадида хизмат кўрсатишнинг барча жараёнларини онлайн режимга ўтказишни тезкор жорий этиш масалаларини ҳал этиш долзарб бўлиб, бу ҳолат соҳадаги фиригарлик ва алдов ҳолатларининг ҳам олдини олади.

3. Сугурта компаниялари ўз фаолиятида, айниқса, мажбуриятларни бажаришда Низом талабларини бажармаслик, назорат коидаларни бузини ҳолатлари учраб туради. Бунинг олдини олиш максадида аниқ, тизимили назорат ва чора кўриш механизми ишлаб чиқи, мажбуриятларини бажаришга совуккөнлик билан муносабатда бўлган юридик шахсларга жазо ва жарима санкцияларини кўллашни жорий этиш лозим. Шунингдек, сугурталangan шахсларнинг даъволари кондирилиши бўйича аппеляция ишларини киска муддатларда кўриб чиқиш ва истеъмолчилар хукуқларини химоя килиш лозим.

4. Кўп бора таъкидланганидек, миллий сугурта бозорида катта капитал салоҳиятига эга, маҳаллий сугурталовчиларнинг шартномавий мажбуриятларини бажаришда ҳамкор сифатида қатнаша оладиган қайта сугуртага ихтисослашган миллий компанияни ташкил этишга зарурат мавжуд. Ўз фаолиятига қўшимча равишда қайта сугуртани амалга оширувчи ташкилотлар молиявий салоҳияти чекланганлиги боис катта кийматга эга йирик объектларни сугурталашга кодир эмас, бу ҳолат айни бугунги кунда ўз имкониятларидан ортиқ мажбуриятларни жаҳон сугурта бозорига чиқишини тақозо килмоқда, оқибатда миллиард сўмлаб капитал жаҳон сугурта бозорига чиқиб кетмоқда. Бу ҳолат ҳолатнинг салбиг оқибатларини камайтириши максадида 2019 йилда қабул килинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4412-сон Қарорида айнан мажбуриятларнинг ортиқ қисмини жаҳон сугурта бозорига йўналтириш бўйича чеклов белгиланди: “2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб жорий килинсинки, унга мувофиқ қайта сугурталовчи сугурта мажбуриятларини қайта сугурталаш учун хорижий сугурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган сугурта мажбуриятларининг камидаги 50 фоизи миқдорида қайта сугурталаш бўйича офертани (қайта сугурталаш шартномаларини тузиш тақлифини) Ўзбекистон Республикаси худудида қайта сугурталаш фаолиятини амалга ошириш хукуқига эга бўлган сугурта ташкилотларига юбориши шарт”[3]. Мазкур чекловнинг ўрнатилиши миллий бозорда капиталнинг колдирилишига, бу эса унинг капитал салоҳияти ошишига сабаб бўлади.

Юкорида белгиланган йўналтишларнинг жорий этилиши орқали умумий сугурта соҳасида қўйида натижаларга эришилади:

1. Баркарор ишлайдиган сугурта тизимининг яратилиши унинг энг муҳим функцияси бўлган ахоли ва тадбиркорлик субъектларини ижтимойи химоя килиш, давлатнинг харажатлар юкини камайтиришга хизмат қиласи.

2. Сугурта операцияларининг тез ва самарали амалга оширилиши натижасида сугурта тушумларининг ЯИМдаги хиссаси, ахоли жон бошига тўғри келадиган сугурта мукофотлари ҳажми ошишига ҳамда сугурта компанияларининг инвестиция имкониятлари кенгайиб, давлат инвестиция дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига эришилади.

3. Амалда бўлган мажбурий сугурта турларининг қамров кенглиги таъминланабиб, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигига, иктиносидий ўсишга, турмуш фаровонлиги ошишига, аҳолининг меҳнат қобилияти таъминланishiغا эршиллади. Мажбурий сугурта ихтиёрий сугуртанинг аккумуляцияси бўлиб, сугурта хизматларидан бир марта фойдаланган ва унинг самарасини хис қилган потенциал мижозларда ихтиёрий сугуртадан фойдаланишига эҳтиёж ва ишонч ортади, шунинг учун ҳам тобора кўп компаниялар сугуртанинг мажбурий шакли бўйича фаолият олиб боришни маъқул кўрмоқда ва сугурта назорати органининг тегишли талабларини (минимал устав капиалини шакллантириш, худудий филиалларни ташкил этиш) бажарган ҳолда мажбурий сугурта билан шуғулланмоқда.

4. Сугурта хизмати истеъмолчиларининг соҳадан мамнунлиги таъминланади, бунинг энг муҳим шарти бўлиб сугурта даъволарининг киска муддатларда ҳамда ижобий кондирилиши хисобланади. Истеъмолчиларни мамнун килиш, улар билан ҳамкорликнинг давомийлигини саклаш ҳам шу омилга чамбарчас боғлик: сугурта соҳасидаги энг самарали реклама – бу даъволарнинг ижобий ҳал этилишидир.

5. Умумий сугурта соҳасини ракамлаштиришни молиянинг бошқа ракамлашган соҳалари каби жадаллаштириш имконияти юзага келади, бу эса масоғдан туриб, уйдан чикмасдан, ортиқча ҳаражатларсиз сугуртадан фойдаланишини маъқул кўрувчи потенциал мижозлар талабидир.

Умуман олганда, умумий сугурта соҳасининг рақобатбардошлигини таъминлаш, унинг салоҳиятини ошириш, хизмат кўрсатишнинг экотизмларини жорий этиш, қамров аудиториясини кенгайтириш, сугурта муносабатларини самарали амалга ошириш учун сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг биргаликдаги ҳаракати талаб этилади.

Хулоса (Заключение/Conclusion). Мазкур мақолада кейинги беш йил учун, яъни 2023-2027 йилларда умумий сугурта бозорининг ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар ўзгаришининг прогноз вариантилари ишлаб чиқилди. Прогнозлаш жараёнда силлиқлаш методларидан бири бўлган Winters методидан аддитив методи билан бирга кўллаган ҳолда фойдаланилди [4], чунки бу ҳолда прогнозни сценарийлар ҳолатида ишлаб чиқиши имконияти мавжуд бўлиб, ҳар бир кўрсаткич ва умумий натижавий омил учта сценарийда пессимистик, ўрта ва оптимистик кўринишда амалга оширилади. Мақолада, шунингдек, умумий сугурта соҳасига оид молиявий натижаларнинг мамлакат иктиносидий ўсишига таъсирини аниқлаш асосида сугурта мукофотларининг 2027 йилгача прогноз қийматлари ишлаб чиқилди.


References:

1. <http://www.imda.uz> – Ўзбекистон Республикаси Сугурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари.
2. Сугурта бозорини ривожлантириш агентлигининг йиллик хисоботлари ва Статистика агентлигининг расмий маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 авгуустдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ килиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
4. Бадалов А.Д. Инвестиционный климат и его влияние на экономический рост: эмпирический анализ. Научно-аналитический журнал “Экономика: временные ряды и эконометрика”, 2020. 2(8), 62-70.

2-жадвал
Ўзбекистон Республикасида 2023-2027 йилларда умумий сугурта мукофотларининг ўзгариш динамикаси прогноз қийматлари

Йил	Пессимистик	Оптимистик	Ўртча
2023	0,96	1,45	1,30
2024	0,99	1,53	1,32
2025	1,02	1,58	1,43
2026	1,05	1,70	1,46
2027	1,09	1,74	1,49

2027 йилга келиб аҳолининг сугурта хизматларидан фойдаланиши индекси ортиб, барча соҳалар ва йўналишлар бўйича сугурта мукофотлари ортиб бориш хусусиятига эга бўлади, прогноз қийматлари бўйича ўртча олдинги йилга нисбатан 49 фоизли ўсиш мавжуд бўлиши аниқланди.



2-расм. Сугурта мукофотлари ва прогноз қийматларининг таққослама ҳолати

Умумий сугурта соҳаси ўсишининг кейинги 2023-2027 йиллар учун прогнозини амалга ошириш орқали сугурта соҳасининг истиқболлари белгиланди. Хусусан, сугурта мукофотларига ЯИМнинг ўзгариши, аҳоли даромадлари таъсири моделлаштирилди. Унга кўра, 2022 йилда сугурта мукофотлари 4707,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жорий нархларда ушбу қиймат 2027 йилда 33278,43 млрд. сўмни ташкил қилиши, 2022 йил баҳоларида эса 25126,77 млрд. сўмга тенг бўлиши прогноз килинди.

Сугурта соҳаси кўп жихатдан бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятидан фарқ қиласди. Сугурталовчининг биргина нотўғри қарори, стратегик дастурлардан четлашиши билан фаолият хавф остида қолиши, молиявий инкизорзага юз тутиши, оқибатда мижозлар ишончсизлигига олиб келиши мумкин. Миллый сугурта бозорининг ривожи, мижозларнинг соҳа ҳақидаги эътирофи айнан шу жиҳатларга боғлик.